## 2008 йил – Ёшлар йили



*Бугун ёзги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичи якунланмоқда. Шаҳардан ташқаридаги 13 та оромгоҳда шу кунларда 5 мингга яқин ўғил-қиз ёзни кўнгилли ўтказаяпти.*

*Етакчи ва тарбиячилар, спорт турлари бўйича мураббийлар ҳар бир кунни мазмунли, мароқли ташкил этиб, турли суҳбат, учрашув, концерт ва кинотомошалар, спартакиадалар ва қувноқ бадиий кечалар уюштиришяпти.*

## Рақамлар тили билан

- *Ёзги оромгоҳларда бу йил 24 минг 620 бола дам олдирилиб, соғломлаштирилади.*
- *11 минг 670 бола ёзни тоғлар бағридаги хушҳаво оромгоҳларда ўтказади.*
- *Мактаблар ва коллежлар қошидаги оромгоҳларга 12 минг 950 бола қамраб олинади.*
- *Шаҳардан ташқаридаги 13 та оромгоҳни таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш мақсадларига хўжалик органлари томонидан 552,3 миллион сўм сарфланди.*
- *Оромгоҳларда 350 дан ортиқ ташкилотчи-педагог, мураббий ва тарбиячилар болалар мароқли дам олишлари учун хизмат қилишяпти.*

## Дил изҳорлари

### БУ КУНЛАР АСЛО УНУТИЛМАЙДИ

**"БОЙЧЕЧАК"ДА бирор соат вақтимиз зое кетмаяпти. Ҳаяжонли учрашувлар, табиат бағрига саёҳатлар, ҳар турли танлов ва ўйинлар, мусобақалардан олам-олам таассурот олаяпмиз.**

Ўзим ўйинчоқлар ясашга қизиқиб қолдим. Устозим Фотима опа ёрдамида қийқимлардан эртаклардаги типратикон, қуёнча ёки сичқонларни бемалол ясай бошладим. Бу ерда Гулҳаё Жуманиёзова, Қизларгул Очилова, Раъно Нурматова сингари чевар дугоналар орттирдим.

**Эркиной ҚОДИРОВА,**
**Шовот туманидаги 44-мактаб ўқувчиси.**

### КОМПЬЮТЕРНИ ЎРГАНИБ ОЛДИМ

**МЕН йўлга отланаётганимда бу ердаги шароитларни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.**

Келган куним оромгоҳ билан таништиришди. Компьютер марказига бошлаб киришганда ниҳоят аҳдим амалга ошишига ишондим. Дарҳол шу тўгаракка аъзо бўлиб олдим. Устозимиз Даврон аканинг сабоқлари бекор кетмади. Энди компьютерда бемалол ишлай оламан.

**Рустам ЭРНАЗАРОВ,**
**Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси.**

### САҲНА СЎЗИНИНГ ТАЪСИРИ

**БОЛАЛАР ўша "Саломатлик куни"ни бир умр унутишмаса керак. Эрта тонгда ёш рассомлар танлови ўтказилди.**

Болалар чизган расмларда чекиш ва гиёҳвандлик офат эканлиги рўй-рост акс эттирилди. Кейин гуруҳларнинг тарғибот бригадалари саҳнага чиқишди. Улар кашандалик ва гиёҳвандлик инсон ҳаётини қанчалик издан чиқариб юборишини турли ҳаётий кўринишларда намойиш қилишди.

**Сирожиддин МУҲИДДИНОВ,**
**"Сумча" оромгоҳи гуруҳ етакчиси.**

## ОРОМГОҲЛАР – ҲУНАР МАКОНИ

**БОЛАЛАР мириқиб дам олиш қаторида ўнга яқин тўгарак машғулотларига қатнашиб, меҳнатнинг дастлабки сабоқ ва кўникмаларини эгаллашмоқда.**



Сумча қишлоғида болаларнинг яна бир севимли ором маскани бор. У "Сумча" масъулияти чекланган жамиятига тегишли.

– Шу кунларда 510 бола дам олаяпти, – дейди оромгоҳ бошлиғи Ирина Бондаренко. – Шу қаторда Хоразм вилояти мактабларининг 272 ўқувчиси соғломлаштирилаяпти.

Бу – айтишга осон. Ҳар бир кун болалар учун бирор янгилик бериши, улар вақти беҳуда ўтиб, зерикиб қолмасликлари учун Ирина Владимировна бошлиқ тарбиячилар ва етакчилар тинмай изланишаётир. Эрта тонгдан ётоқларига тарқалиб, уйқуга ётгунларича болалар бир-биридан қизиқ ўйинлар, танловлар, саёҳатлар, мусобақаларга қатнашишади. Катта тарбиячи Адиба Очилова, катта етакчи Гўзал Рўзимбоева, мураббийлар Андрей Доценко, Виктор Галкин, Руслан Шайхиев ва бошқалар маънавий-маърифий тадбирлар ва машғулотларни шундай тиғиз жадвал асосида ташкил этишадики, бирон бола ўзини оромгоҳдаги кўнгилли жараёнлардан четда қолган, деб ҳисобламайди.

Оромгоҳда хилма-хил тўгараклар қизғин иш олиб бораяпти. Рақс, мусиқа тўгаракларига қизиқувчилар кўп. Маҳфуза Аминова ёки Матлуба Ҳаитбоева хоразмча рақс бошлашса борми, болалар маҳлиё бўлиб қолишади. Ёки, Мадина Исомиддинова ижросидаги арабча рақсларни бир томоша қилсангиз эди!

Рақс тўгарагида машғулотларни Екатерина Бондаренко олиб боради. У ёш раққосаларга куй оҳанглари жозибасини илғаб олишдан тортиб, мураккаб ҳаракатларни қандай қилиб енгил ва мароқли ижро этиш йўлларигача сидқидилдан ўргатади. Ёки Караоке тўгараги машғулотларини олинг. Баҳодир Неъматов бу усулда қўшиқ ўргатаётган болалар орасида Отабек Қўзибоев ўз уқуви ва истеъдоди билан алоҳида ажралиб турди. Бу тўгаракларнинг аъзолари хайрлашув кечасида намойиш этиш учун хилма-хил қўшиқ ва рақсларни ўз ичига олган катта байрам дастурини тайёрлашмоқда.

"Бойчечак"даги тўгаракларда компьютер технологиясини эгаллаб олаётган болаларни машғулот устида кузатдик. Компьютер марказининг раҳбари Даврон Мирсоатов, "Pentium-IV" компьютерларида ишлашни ўрганаётган Рустам Эрназаров, Шавкат Мавлонов, Хуршида Мирдавлатова, Шоҳинур Юсуфбоеванинг дастлабки ютуқлари билан таништирди.

– Марказимиз машғулотларига қатнаша бошлаган болаларнинг ҳаммалари иқтидорли, қизиқувчан, – дейди ёш мураббий. – Дастлабки машғулотлардаёқ улар компьютерда ёзиш, бошқа операцияларни бажаришни ўрганиб олишди.

Болалар юмшоқ ўйинчоқлар ясашни ўрганишаётган тўгаракка меҳнат ўқитувчиси Фотима Носирова раҳбарлик қилаётир. Устоз шогирдлари ясаган қуёнча, қурбақа, сичқон ва бошқа қўғирчоқларни мамнуният билан намойиш қилди. Эгизаклар Эркиной билан Барчиной Қодировалар эса ўзлари ясаган бежирим ва гўзал ўйинчоқларни фахрланиб кўз-кўз қилишди.

– Болаларга ўзлари оромгоҳда ясаган ўйинчоқларини бериб юборамиз, – деди устоз. – Ота-оналар ўз фарзандлари қисқа фурсатда қандай мураккаб ишларни бажаришни ўрганиб олишганини кўриб қўйишсин, улар ясаган ўйинчоқлардан завқ олишсин.

Шундай тўгараклар "Кимёгар", "Ҳумо", "Зангори олов", "Металлург" оромгоҳларида ҳам иш олиб бораётир. Болалар дам олиш билан бир қаторда тикиш, бичиш, ёғоч ўймакорлиги, компьютер саводхонлиги сингари кўплаб касб-ҳунар бўйича дастлабки савод ва кўникмаларини мустаҳкамлашаяпти.



# КАСАБА уюшмалари ва ДАВР



## ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

***Бу шунчаки шиор эмас, балки Ўзбекистонда кенг қулоч ёйган саъй-ҳаракатларнинг асосий моҳиятидир***

Болаларни ёзги дам олдиришни ташкил этиш барча бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг иши бўлиб қолди. Ҳали ўғил-қизлар мактаб, лицей ва коллежларда ўқишни давом эттиришаётган кезлардаёқ катталар тайёргарликни бошлаб юборишган эди. Бу жараёнда ўсиб келаётган навқирон авлоднинг маънавий-жисмоний камолоти учун чинакам ғамхўрликнинг кўринишлари кўп маротаба намоён бўлди.

Чунончи, вилоят ҳокимлигида болаларни ёзда дам олдириш ҳамда соғломлаштиришга ва уни ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари муҳокама қилинган йиғилишда қанчалик кенг қамровли вазифалар қўйилгани ёдимизда. Ўшанда оромгоҳларни мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёрлаш масалаларидан тортиб, болаларни ёз бўйи янги ҳўл мева, сабзавот, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаб туриш чора-тадбирларигача кўриб чиқилди. Асосий эътибор дам олувчиларни табиат қўриқхоналарига олиб бориш, улар учун концертлар уюштириш, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, маънавий-маданий мерос ва мустақил Ўзбекистон давлати ҳақида суҳбатлар ташкил этиш ҳам ўша йиғилиш иштирокчилари эътиборидан четда қолмади. Бунинг учун ёзги оромгоҳларга малакали педагог кадрларни, ташкилотчилик малакасига эга талаба-ёшларни жалб этиш лозимлиги таъкидланди.



– Олдимизда шарафли, аммо, ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди, – деган эди ўша йиғилишда касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. – Бу болаларимизни гўзал табиат қўйнида дам олдириб, соғлиқларини тиклаб, ота-оналари бағрига шод-хуррам қайтаришдан иборат. Ёшлар йилида келажагимиз эгалари – фарзандларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини мароқли ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак.

Бугун "Йўлчи", "Келажак", "Зангори олов", "Кимёгар", "Чимён" ёки "Ҳумо" оромгоҳларида бўлган киши уларни мутлақо янги қиёфада кўради. Мавсум арафасида ҳамма оромгоҳларда катта ҳажмлардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хўжакент қишлоғининг хушманзара бағрида жойлашган "Зангори олов" оромгоҳини мавсумга тайёрлаш учун "Ўзбектрансгаз" акциядорлик компанияси ва унинг вилоятимиздаги ташкилоти 111 миллион сўм маблағ сарфлади. "Бойчечак ором" масъулияти чекланган жамият эса, ўз тасарруфидаги "Бойчечак" оромгоҳида 190 миллион сўмлик тайёргарлик ишларини бажарди. "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳам ўзига қарашли "Келажак" оромгоҳида мавсумга тайёргарлик ишларини бажариш учун 95 миллион сўм маблағ ажратди.

Болакайлар жисмоний соғлом ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб ўсишлари учун бундай ғамхўрликнинг ифодаси бўлган бошқа кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин, уларнинг иккитасига алоҳида тўхталиш жоиз. Биринчиси – "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Чорбоғ денгизи соҳилида, Юсуфхона қишлоғида мукаммаллаштирилиб, кенгайтираётган "Металлург" оромгоҳи. У ерда бошланган ишлар ҳақида гапириб, корхонанинг бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Александр Фармонов меҳнат жамоалари вакилларининг 23 февраль куни ўтган йиғилишида шундай деган эди:

– Оромгоҳни кенгайтириб, металлургларимиз болалари соғломлаштириладиган йирик марказга айлантирамиз. У йил бўйи ишлайди. Бу марказ юз ўринли мактаб, ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт мажмуаси, кичик ҳайвонот боғи, миниаквопарк ва бошқаларни ўз ичига олади. Металлургларимиз фарзандлари учун қуриладиган бу марказни Ёшлар йилида битказишни мўлжалламоқдамиз.

Шу кунларда "Металлург"да болаларнинг дастлабки гуруҳларини мароқли дам олдириш билан бирга ана шу марказни барпо этиш юзасидан қурилиш-жиҳозлаш ишлар қизғин давом этаяпти. Юсуфхонада болаларнинг ҳозиргача ўхшаши бўлмаган бутун бошли соғломлаштириш маркази барпо этилмоқда.

Биз таъкидламоқчи бўлган иккинчи воқеа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг болалар оромгоҳларига бу йилги ҳимматига тааллуқли. Бу ташкилот вилоятимиз болалари дам олаётган 13 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳига 9 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозларини совға қилди. Улар орасида юздан зиёд футбол, кўплаб волейбол ва баскетбол тўплари, теннис ракеткалари, махсус спорт кийимлари ва бошқалар бор.







## "ҒУРУРИМ ШУКИ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН!"

***Оромгоҳларда дам олиб, соғлигини тиклаётган 5 мингга яқин ўғил-қиз мамнуният билан шундай демоқда***

"Бойчечак" оромгоҳи билан танишиш маънавият хонасидан бошланди. Раҳбар Дилфуза Норқобилова уч-тўрт қиз билан суҳбатлашаётган экан. Бироз тинглаб, гап китобсеварлар кечасига тайёргарлик тўғрисида бораётганлигини тушундик.

– Дам олувчиларимиз кўп ўқишади, – деди Дилфуза болалар тегишли топшириқларни олиб чиқиб кетишгач. – Бу йил кутубхонамиз сўнгги йилларда лотин имлоси асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган китоблар билан бойитилди. Болалар Худойберди Тўхтабоевнинг "Қасоскорнинг олтин боши" романини, Робиндранат Тагорнинг "Ҳикоялар"ини, Қалмақон Абдуқодировнинг "Хожимуқон" қиссасини, Нодира Нортоеванинг "Онам айтган аллалар" шеърий тўпламини қизиқиб ўқишяпти.

Маънавият хонаси оромгоҳда дам олаётган барча болаларнинг севимли жойига айланган. Бу ерда миллий анъана ва удумларимизга бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар, дўстлик кечаларида устозлар болаларга мароқли ҳикояларни ўқиб беришади. "Биз аҳил бир оиламиз" мавзуидаги кечаларда болалар ўз шаҳар ва туманлари, қишлоқлари ҳақида гапириб беришади. Шовот туманидан келган Моҳинур Отабоева ёки Ширинoй Қодирбергенованинг қадим Хоразм диёри, Хива шаҳрининг меъморчилик обидалари ҳақидаги ҳикояларини ҳамма жон қулоғи билан тинглайди. Одатда бундай кечалар Хоразм қўшиқлари ёки рақсларини ижро этиш билан якунланади.

"Ҳумо" оромгоҳига киришингиз билан рўпарада, баланд тепа устида қўш қаватли маънавият маркази кўзга ташланади. Ҳар босқичда бу ерда Чирчиқ кимё машинасозларининг 360 фарзанди дам олади. Хондайлиқ қишлоғининг хушҳаво бағридаги бу оромгоҳда концерт қўйилмаган, кино ёки саҳна асарлари намойиш қилинмайдиган кун йўқ. Соя-салқин хиёбонлардан ўтсангиз, ўзингизни эртаклар оламига тушиб қолгандек, фазогирлар даврасида осмону фалакларда учиб юргандек сезасиз. Негаки, йўлка бўйлаб жойлаштирилган суратлар галереясидан болалар қўли билан чизилган хилма-хил расмлар ўрин олган.

"Бойчечак"да ана шундай кичкинтой рассомларнинг бири билан суҳбатлашдик. Гулираъно Машарипова мўйқаламни оқ картон узра дадил юритиб, бир дамда расмни битказди, қўйди. Дам олаётган болалар чизган расмлар кўргазмаси яна бир асар билан бойиди.

– Мен Урганч шаҳридан келиб, тоғ бағридаги мана шу соя-салқин оромгоҳда дам олаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман, – деди у ҳозиргина тугатган расмини гуруҳ устози Шарофат Султонмуродовага топшираётиб. – Сумча қишлоғининг атрофлари хушманзара жойлар экан. Ана шу табиат лавҳаларини мўйқаламда картон қоғозга тушириш ҳаракатидаман.

Бу ёз "Бойчечак ором" масъулияти чекланган жамиятининг мазкур оромгоҳида 900 болани соғломлаштириш мўлжалланмоқда. Дастлабки 250 кичкинтой дам олдирилаяпти. Уларнинг аксарияти Хоразм вилоятидан.

– Урганч шаҳрининг ўзидан 75 болани соғломлаштиргани олиб келдик, – дейди ташкилотчи педагог Шарофат Султонмуродова. – Улар учун ҳар бир кун мароқли ўтаяпти. Болаларимиз тоза ҳавода дам олиб, очиқ сув ҳавзасида чўмилиб, турли тўгарак машғулотларига қатнашишяпти. Гуруҳ сардорлари танлови, "Ким чаққону ким топқир" ўйини, турли спорт мусобақаларида болаларимиз янги-янги дўстлар орттириб, ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишаяпти.

## «ҚУРУВЧИ» – «МИЛАН» 1:0

Бугун ёзги оромгоҳларнинг қайсинисига борсангиз ҳам унутилмас тадбирлар, ранго-ранг машғулотлар, бири-биридан зукко ва истеъдодли болалар танловлари устидан чиқасиз. Уларнинг негизини спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этади.

"Бойчечак"да спартакиада беллашувлари авжи қизиган палла экан. Ёш футболчилар майдонда тўп суришарди. Бизга мусобақанинг боришини кузатиб ўтирган ташкилотчи Азиза Исмоилова рўпара бўлди.

– Мен педагогика университетида ўқийман, – деди ўзини таништириб. – "Камолот" сафарбарлиги асосида "Бойчечак"да болалар билан ишлаяпман...

Азиза бизни оромгоҳ ёш спортчиларининг спартакиадаси қандай давом этаётганлиги билан таништираётганида етакчи Гулчеҳра Исматиллаева билан жисмоний тарбия раҳбари Саидасл Қориев ёрдамга келди. Маълум бўлдики, мусобақалар икки кундан буён давом этаяпти. Бир кун олдин гуруҳ жамоалари шахмат, шашка, сузиш, 30 ва 60 метрга югуриш, узоқликка сакраш ва бошқа спорт турлари бўйича беллашишди. Шахмат-шашка бўйича 3-гуруҳ жамоалари ғолиб чиқди. Шашкачи Искандар Абдусамадов билан шахматчи Зоиржон Қўчқоров биринчи ўринни эгаллашди. Сузишда олтинчи гуруҳ болаларига ҳеч ким тенг кела олмади. Шунингдек, югуриш мусобақаларида Орзу Киясова, Комила Отажонова, Оқилхон Ҳамидов оромгоҳ чемпионлари, деб эътироф этилди.

Узоққа сакраш мусобақаларида қизлар айниқса, жонбозлик кўрсатишди. Малика Аҳмедова 4,9 метрга сакраб, чемпион бўлди.

– Бугун футбол бўйича чемпион ҳам аниқланади, – деди жисмоний тарбия раҳбари. – Ҳозирча "Челси" "Зенит" устидан 1:0, "Манчестр" "Спартак" устидан 5:0, "Қурувчи" "Милан" устидан 1:0 ҳисобида олдинда бораяпти. Иккинчи тур ўйинлари ҳозиргина бошланди.

"Сумча"да ҳам шундай қизғин мусобақалар устидан чиқдик. Бу ерда кўпроқ болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг тарбияланувчилари дам олишаётганлиги учун мусобақаларнинг савияси ҳам бўлакча. Машқларни қўл жанги бўйича жаҳон чемпиони Маҳфуза Абдуллаева, дзюдо бўйича мамлакат чемпионлари Дилшод Ашуров билан Ким Максим юқори малакали мурабббийлар Андрей Доценко, Виктор Галкин ва Руслан Анорбеков ўтказишаяпти. Шу боис мусобақалар ҳам ниҳоятда жиддий тус олаяпти. Ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш учун ёш спортчилар нималарга қодир эканликларини намоён этишларига тўғри келаяпти. Теннисчи Шерзод Саримсоқов кўрсатган жозибали ўйин ҳамманинг ҳавасини келтирди. Шахмат бўйича мусобақаларда унга тенг келадигани топилмади. Мусобақалар мамлакат, халқаро ва жаҳон чемпионларининг намунавий чиқишлари билан якунланди.

Ҳа, оромгоҳларда болалар мириқиб дам олишаяпти, спорт машғулотлари ва маънавий-маърифий кечаларда чиниқиб, баркамолликнинг янги довонларига кўтарилишаяпти.

**Саҳифани Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Жўра САЬДУЛЛАЕВ, Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлашди.**

